

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2020 йил ноябрь ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чиноз туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи: суд раиси [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED]нинг котиблигида, томонлардан Тошкент вилояти Чиноз туман прокурори ёрдамчиси [REDACTED] ва судланувчининг манфаатида Тошкент вилояти, Чиноз тумани “Нimoychi so’zi” адвокатлик фирмаси адвокати [REDACTED]ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан судланувчи [REDACTED]га оид 1-115-2001/149 -сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи [REDACTED] 1972 йил 14 сентябрда Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали 4 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, депутат эмас, мукаддам судланмаган, ишламайди, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, “Соҳибкор” М.Ф.Й.га қарашли “Ибрат” кўчаси, 66-уйда яшайди, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган, соғлом.

Суд, суд мажлисида текширилган далилларига асосланиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, қасдан жиноят содир этиш йўлига кириб, тақиқланган экинларни экиш ва етиштириш ва гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда сақлаш жиноятларини содир этади.

Жумладан, 2020 йил 21 сентябрь куни Чиноз тумани ИИБ ходимлари томонидан “Қора дори 2020” тадбирини ўтказиш мобайнида, [REDACTED]нинг Чиноз тумани, “Соҳибкор” М.Ф.Й.га қарашли Ибрат кўчаси, 66-уйининг ёрдамчи хўжаликлари ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, унинг 2020 йилнинг баҳор фаслида ҳовлисини томорқа ерига экилган маккажўхори ўсимлиги орасига 16 туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини экиб ва етиштирганлиги аниқланади.

Бундан, ташқари, [REDACTED]нинг томорқада ўсаётган маккажўхори орасида куритиш мақсадида юлиб қўйилган ҳолда оғирлиги 10.025 грамм кўп миқдорда бўлган “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги қонунга ҳилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланади ва бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, гиёҳвандлик ўсимлиги воситалари ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбга тўлиқ иқрорлиги, 2020 йил 21 сентябрь куни соат 14 лардан ўтганида Чиноз тумани ИИБ ходимлари ва икки нафар ҳолислар билан бирга яшаш хонадонига келишганлиги, улар “Қорадори-2020” тезкор тадбири ўтказилаётганлигини айтишиб, унинг иштирокида хонадони кўздан кечирилганлиги, шундан ювиниш хонаси олдида турган ўзини гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши учун мўлжалланган икки дона елим баклашкаларни, томорқа ерида ўсиб турган маккажўхори ўсимлигининг ичида ўзи етиштирган 16 туп гиёҳвандлик ўсимлигини 13 тупини ўсиб турганини ва 3 тупини юлиб олиб куритиш учун мақажўхори ичига ёйиб қўйганлигини аниқлашганлиги, кейин ҳолислар иштирокида тегишли тузилган баённомага асосан гиёҳвандлик



ўсимлигини ўсиб турган 13 тупини юлиб олишиб ва куртишга юлинган 3 тупини оқ рангли қопларга солиб муҳрлашиб ва уларни ашёвий далил сифатида олишганлиги, санаткор бўлганлиги ва қўшиқ айтишда овози яхшиланиши учун бу гиёҳвандлик ўсимлигини 2-3 йилдан буён қоғозга ўраб чекиш йўли билан ёки баклажкага солиб чекиб келганлиги, 2019 йилда даладан ёввойи ўсиб турган гиёҳвандлик ўсимлиги уруғларини юлиб олиб келиб сақлаб қўйиб ва уни ўзи 2020 йил апрель ойи бошларида томорқасига экилган маккажўхорини орасига бир қатор қилиб экканлиги, ўсиб чиққан 16 туп гиёҳвандлик ўсимлигини суғориб ва тағларини юмшатиб турганлиги, гиёҳвандлик ўсимликлари маккажўхорини ичида бўлганлиги сабабли бошқаларга кўринмаганлиги, етиштирган гиёҳвандлик ўсимликларини бошқага бериш ёки сотиш нияти бўлмаганлиги, уни оила аъзолари ҳам билишмаганлиги, ҳозирда гиёҳвандлик воситасини чекмай қўганлиги, терговда уни “канабис” гиёҳвандлик ўсимлиги эканини, уни экиш ва сақлаш жиноят эканлигини билганлиги, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан қаттиқ пушаймонлиги, оилавий аҳволи оғир бўлиб, оиласини ўзидан бошқа боқувчиси йўқлигини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [] суд мажлисида, 2020 йил 21 сентябрь куни соат 14 дан ўтганларда Чиноз тумани ИИБ ходимларини таклифи билан Чиноз тумани, “Соҳибкор” МФЙ, Ибрат кўчаси, 66-уйда яшовчи қўшнисининг уйини томорқасини “Қорадори-2020” тезкор тадбири деб ва кўздан кечиришда холис бўлиб қатнашганлиги, шунда томорқасига экилган маккажўхори экини орасида ўсиб парвариш қилинган 13 туп наша гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсиб турган ва шу маккажўхори ўсимлигининг орасида юлиб қўйилган куриштиш мақсадида сақланаётган 3 туп яшил рангли ўткир ҳидли гиёҳвандлик моддаларга ўхшаш ўсимлик туплари борлиги аниқланганлиги, улар баённома расмийлаштирилиб ва далилий ашё тариқасида олинганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [] суд мажлисида, [] турмуш ўртоғи эканлиги, ўрталарида 4 нафар фарзандлари борлиги, 2020 йил 21 сентябрь куни тушлиқдан кейин уйига Чиноз тумани ИИБ ходимлари ва икки нафар холислар билан келишганлиги, турмуш ўртоғи уйда бўлмаганлиги сабабли уни телефон орқали чақирганлиги, ИИБ ходимлари ва холислари турмуш ўртоғининг [] билан бирга томорқасини кўздан кечиришиб ва экилган маккажўхори орасидан яшил рангли қандайдир ўсимлик тупларини олиб чиқишганлиги, уларни фотосуратга олишиб ва холислар иштирокида ҳужжат тузишиб, уларни олиб кетишганлиги, турмуш ўртоғи ўсимликларни гиёҳвандлик ўсимлиги эканини ва уни ўзи чекиб истеъмол қилиши учун ундан яшириб экканини айтганлиги, ўзи эса бундан хабари бўлмаганлиги, оиласида уларни турмуш ўртоғидан бошқа боқувчиси йўқлиги сабабли унга қамоқдан бошқа енгилроқ жазо тайинлашни илтимос қилиши ҳақида кўрсатув берди.

Булардан ташқари, судланувчининг айби жиноят ишида тўпланган дастлабки суриштирув ҳужжатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси кўра ашёвий далил тариқасида 13 туп гиёҳвандлик ўсимлиги ва 3 туп куруқ ҳолдаги яшил рангли ўткир ҳидли гиёҳванд ўсимлиги олинганлиги ва унга илова қилинган фото жадваллар (ж.у. 4-11 в.), терговчининг нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарори ва уларни ДХХга топшириш далолатномаси (ж.у. 28-29 в.), унинг кўрсатувларни ҳодиса содир



бўлган жойида жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото жадваллар (ж.и. 72-76 в.), юзлаштириш баённомалари (ж.и.51-55, 61-65-в.) ва бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда терговчининг 2020 йил 7 октябрдаги қарорига кўра фуқаро [] ва бошқаларга нисбатан жиноят ишининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-модасининг 3-қисмига асосан тугатилганлигини эътиборга олади (ж.и. 86-87 в.).

Чиноз тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими мутахасиси томонидан []нинг томорқасида аниқланган 13 туп каннабис ўсимлиги 8 квадрат метр ерда агротехник ишлов берилган ҳолда парвариш қилинганлиги ҳақида маълумотнома берилган.

Судга оид кимёвий экспертизаси 2020 йил 25 сентябрда 860-сонда, []нинг хонадонидан олинган оқ рангли полимер қоп №1, қоп №2, қоп №3, қоп №4, қоп №5, қоп №6 ва қоп №7 лар ичида жами 13 туп хўл ҳолатдаги ўсимлик туллари таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган “каннабис” ўсимлиги туллари эканлиги ҳамда оқ рангли полимер қоп №8 ва қоп №9 ичидаги хўл ҳолдаги ўсимлик туллари таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган “каннабис” ўсимлиги туллари деб аталиши, уни умумий соф вазнлари 2020 йил 25 сентябрь кунида 10.025 граммни ташкил этиши, қоп №10-ичидаги 2 дона елим баклажқаларда фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол юқлари мавжудлиги ҳақида хулоса берган.

Ўз.Р Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорининг “Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни ноқонуний айланиши ҳақидаги рўйхати”га кўра “каннабис” ўсимлиги тақиқланган гиёҳванд воситалари туркумига қиради.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан []нинг тақиқланган экинларни, яъни таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “каннабис” ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб ва етиштирганликда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан;

- унинг маккажўхори экини орасига қуритиш учун ёйиб қўйилган оғирлиги 10.025 грамм кўп миқдорда бўлган “канабис” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаганликда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорини 3-бандига мувофиқ, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Суд, мазкур Пленум қарори талабига риоя қилиб, судланувчи []ни ушбу жиноятларни паст ниятларда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар ва уни айбига тўлиқ иқроп бўлиб, чин кўнгилдан пушаймонлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятининг хусусиятини ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни содир қилиш шароити ва сабабларини ҳамда уни ёшини, оилавий аҳволи оғирлигини, яшаш жойи М.Ф.Й.дан ижобий таъсирнома берилиб ва уни келгусида назоратига олишга қафолат хати



берилганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан жиноят содир қилган моддаларининг қисмида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни тайинлашни лозим деб топади.

Судга оид наркология экспертизасининг 2020 йил 6 октябрдаги 190-сонли далолатномасига кўра, [REDACTED] да гиёҳвандлик касаллик аломатлари аниқланмаганлиги ва у мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги, лекин муқаддам эпизодик равишда нашани чекиш орқали истеъмол қилиб юрганлигини эътиборга олиб, у яшаш жойидаги наркокабинетга профилактик назоратга олиниши, наркокабинетга келиб тиббий кўрикдан ўтиб туриши шартлиги хақида хулоса берган (ж.и. 84 в.).

Суд, ушбу хулосага асосан [REDACTED] ни гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги сабабли унга Ўз.Р.ЖКнинг 96-моддаси тартибида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлламасликни, аммо уни муқаддам эпизодик равишда нашани чекиш орқали истеъмол қилиб юрганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан яшаш жойидаги Тошкент вилояти Чиноз тумани кўп тармоқли поликлиникаси наркология диспансерида назоратга олинишини ва наркокабинетга келиб тиббий кўрикдан ўтиб туриши шарт деб ҳисоблайди.

Суд, Ўз.Р. ЖПК 211-моддасининг 2-бандига асосан, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда терговчининг 2020 йил 28 сентябрдаги қарорига асосан ашёвий далил тариқасида олиниб ишга қўшилган ва сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБ хўжалик бўлимига 2020 йил 14 октябрда № 0018445-сонли қвитанцияга асосан топширилган таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган ўн уч туп “каннабис” ўсимлигини ва 5175,0 гр. бўлган “каннабис” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан уч (3) йил муддатга озодликни чеклаш тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўрт (4) йил муддатга озодликни чеклаш тайинлансин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил беш (5) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га озодликни чеклаш жазосини Чиноз тумани, “Соҳибкор” М.Ф.Й.га қарашли “Ибрат” кўчаси 66-уйда ўташ белгиланиб ва унга соат 20:00 дан 07:00 га қадар яшаш жойидан чиқиш чеклансин.

Озодликни чеклаш [REDACTED] нинг яшаш жойи бўйича Тошкент вилояти Чиноз туман ИИБ Пробация гуруҳининг назорати остида ўталсин.

[REDACTED] нинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар чеклашлар) юклатилсин:

- кўнгил очар (кафе, бар, ресторан) жойларга бормаслик;



- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- тақиқловчи буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- унинг жазосини ўташни назорат қилувчи Чиноз туман Ички ишлар органининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- жиноятга мойиллиги бўлган *(шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалари билан ноқонуний муомала қилувчи)* шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Жазони ўташ муддати Тошкент вилояти, Чиноз туман ИИО Пробация гуруҳининг ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандига кўра, [REDACTED] га озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг дастлабки терговда [REDACTED] га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унинг гаровга қўйган 2.000.000 сўмлик “Samsung” русумли телевизори ва 3.500.000 сўмлик “Samsung” русумли музлатгичи тилхат орқали ўзида сақлаш учун қолдирилганлиги эътиборга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда терговчининг 2020 йил 28 сентябрдаги қарорига асосан ашёвий далил тариқасида олиниб ишга қўшилган ва сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБ хўжалик бўлимига 2020 йил 14 октябрда № 0018445-сонли қвитанцияга асосан топширилган таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган ўн уч туп “каннабис” ўсимлиги ва 5175,0 гр. бўлган “каннабис” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан шу суд орқали апелляция шикоят ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан унга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг апелляция инстанциясига ёки ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация шикоят ва протести шу вилоят судининг кассация инстанциясига берилиши мумкин.

Раисликэтувчи: (имзо) [REDACTED]

Ҳукмдан кўчирма аслига тўғри: [REDACTED]

